

Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

20

(283)

YURIDIK GAZETA

| May | | | | |
|-----|---|----|----|----|
| D. | 5 | 12 | 19 | 26 |
| S. | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ch. | 7 | 14 | 21 | 28 |
| P. | 1 | 8 | 15 | 22 |
| J. | 2 | 9 | 16 | 23 |
| Sh. | 3 | 10 | 17 | 24 |
| Y. | 4 | 11 | 18 | 25 |

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

E-mail: huquq@infonet.uz

Чоршанбадан Чоршанбагача

14 май

Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йил бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Урганч шаҳрида республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари - 2003» спорт мусобақалари бошланди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Олий суд одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари институтини ривожлантириш истиқболларига бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказди.

15 май


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Россия Федерациясининг «Андрей Первозванный» жамғармаси Васийлар кенгаши раиси В. Якунин раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлат божхона қўмитасида республика миз темир йўлларида божхона назоратини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

16 май

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Б. Абдураимовга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони бериш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти билан чегарадош ҳудудда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши матбуотда эълон қилинди.



Абдуваҳид Тўраев олган сурат

Тошкент. Миллий банк биноси.

ТАНЛИЛ

ШАРАФ ДЕБ БИЛАЙЛИК

«Прокуратура тўғрисида»ги қонунда қонун ижодкорлиги ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида мустаҳкамланган. Мазкур органлар фаолиятининг асосий принципларидан яна бири ошқоралиқдир. Бунда ҳикмат қўп. Сенинг қандай меҳнат қилганингни эл билсин. Жиноятларни фош этишда ёрдамнинг тегсин. Назаримда, ошқоралиқ қонун ижросини назорат қилувчиларнинг фаолияти элнинг назарида бўлиши деганидир.

Ўзбекистон Бош прокуратурасининг Қонунларни муҳасамлаштириш ва ҳуқуқ тарғиботи бўлими 2002 йилда прокуратура органлари ҳуқуқ тарғиботи бўйича амалга оширган ишларни умумлаштириб, қайси соҳаларда камчиликларга йўл қўйилаётганини аниқ кўрсатиб берди. Бу қўйи прокуратура органлари учун дастуриламалдир.

Қашқадарё вилоят прокуратурасининг ҳуқуқ тарғиботи фаолияти жорий йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсди. Аиникса, маъруза, суҳбат ва бошқа озғани тadbирлар бир қадар ошди.

Мактаб ўқувчилари олдига прокурор сўз айтса, маърузаси таъсирли ва мароқли чиқди. Унинг гаплари китобий эмас, унинг гаплари — ҳаёт. Ўқувчилар даврасида тез-тез буладиган қонун ҳимоячиси ҳар қандай ҳурматга лойиқдир. Нечунким, биргина мулоқот қанча-қанча ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади, жиноятчиға нисбатан нафрат, ҳуқуқшунослик касбига қизиқиш уйғотади. Ўсимлар қонун ҳимоячиларининг меҳнати ниҳоятда машаққатли ва шарафли эканлигини ҳис этадилар.

Яқинда вилоят прокурорининг фармойиши билан маҳкама бўлим бошлиқлари, катта ёрдамчилари мактабларда бўлишиб, у ердаги шарт-шароит, ўқитувчиларнинг билим савияси, умуман таълим-тарбиянинг аҳолини ўргандилар. Йиғилишлар ўтказиб, муаммоларни бирига-бирига хал қилиш йўлини излашди. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан юзма-юз учрашув, қонунлар ҳақида суҳбатлар тарофларга катта маънавий фойда келтирди.

(Давоми 2-бетда)

Мададталаб мактуб

**САБР ҚИЛИБ
ЧАРЧАДИК**

Мактублар,
шикоятлар,
жавоблар

3-бет

ШИКОЯТБОЗЛИКДАН

МАҚСАД

ЧЎЧИТИШМИ?

ЁХУД «МАВГИТ ИЛ ЙИГИРУВ
ФАБРИКАСИ»ДА АВЖ
ОЛАЁТГАН ЁЗИМЛАЛАР
ҲАҚИДА

4-бет

РЕЦИДИВИСТ

Суднинг ажрими билан у жазонинг ўталмаган қисмини манзил колониясида ўтаб келаётган эди. Тоби қочиб, шифохонага тушиб қолди. Касалхонада эса Алибек учинчи мартаба жиноятга қўл урди...

6-бет

**ТОШИЛМАГАН
ХАЗИНАЛАР**



8-бет

Моҳият

Муҳофаза қилишда ҳам,
жазолашда ҳам қонун
ҳамма учун тенг бўлиши
лозим.

Жан ЖОРЕС

ЎЙИНИГИ ҚОНДА

Детектив қисса

ҚОТИЛЛИКДА АЙБЛАБ БЎЛМАЙДИ

Тахририятга Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида яшовчи Бекиммат Ҳузалиевдан келган шикоят хати каминани сафарга чорлади. Амударё тумани маркази — Манғит шахрига кетарканман, йўл бўйи хатга қайта-қайта кўз югуртирдим. Шикоят муаллифи «Манғит ип йигирув фабрикаси» акциядорлик жамияти (АЖ)да штат қисқариши баҳонасида нотўғри ишдан бўшатирилганини асосий мавзу қилиб таъкидлаган эди.

— Бошлигимиз пойтахтлик мутахассислар билан Нукусга кетган, — деди қабулхонадаги ходимлардан бири. Мен тахрифим мақсадини тушунтириб, шикоятда келтирилган важдар бўйича учрашишим лозим бўлган шахсларни суриштирдим. «Директордан бошқа ким билан учрашман десангиз, ҳаммаси шу ерда», — деганча котиба киз мени биринчи ўринбосар Олимбой Аҳмедов ҳузурига бошлаб борди. Мақсадимни эшитаркан, Олимбой ака: «Бу «ёзувчи»лар дастидан бемалол ишлаб бўлмас экан-да! Кечагина «Муштум» журналининг мухбирини кузатиб кўйгандик», — дея хўрсиниб кўйди. У столи устига кўйган Б.Ҳузалиевнинг хатига қўлини ҳам урмасдан деди:

— Менга хатнинг нуқта-вергулигача таниш, ёд бўлиб кетган. Чунки сизларга йўланган шикоят хати олдин бошқа идора-ташкilotларга жўнатилган шикоятнинг нусхаси. Ва сиз уни текшириб келувчиларнинг йигирманчисисиз десам, лоф эмас...

О.Аҳмедовнинг бу сўзлари мени таажжубга солмади. Негаки, маъмурият ҳар доим ҳам шикоятчи адолатли ёзган демайди. Шу боис муовин жаноблари билан кадрлар бўлими бошлиғи Зулхумор Маткаримова қабулига бордим.

— Фабрикамиз 2002 йилга келиб иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолди, — дея сўз бошлади кадрлар бўлими бошлиғи. — Кредиторлик қарзими 450 млн. сўмдан ошган, бу ерда ишлаётган 800 нафар ишчи-ҳодимга пул тўланмайдиган мажбурий таътил берилди. Ўзбекистон корхоналарининг банкротлик ва санация масалаларини бўйича давлат комиссиясининг 2002 йил 26 июндаги баённомаси ҳамда Қорақалпоғистон ҳўжалик суди ажрими билан фабрикамиз санацияга тушган деб топилди(?) ва унга ташқи бошқарувчи қилиб Рустам Юсупов тайинланди...

Аниқланишича, ўшанда иқтисодий аҳвол оғирлашгани боис фабриканинг аксарияти ишчилари мажбурий таътил пайти бошқа ишга жойлашган. Деярли бир

✓ JURNALIST SURISHTIRUVI

йил давом этган мажбурий таътидан сўнг қайта рўйхат қилинганда бу ерда ишлашни хоҳловчилар 300 нафарни ташкил қилган. Бироқ ўша паллада бунча кишини иш билан таъминлашнинг иложи бўлмагач, 2002 йил 8 июлдаги йиғилиш қарорига асосан иш ўринлари қисқартирилган. Қарорда 47 ишчи-ҳодимнинг иш ўрни қисқаргани кўрсатилиб, улларга икки ой ичи-

компьютерда ёзиб беришини илтимос қиламиз. Ҳатто иш вақтидан ташқари бўлса ҳам илтимосимизни бажариб беради. Лекин у ягона иш ўрни — таъминот бўлими иқтисодчисига бўлиб ишлаётгани учун 15.000 сўм атрофида маош олади.

Дарҳақиқат, бухгалтерия ҳужжатларини кўздан кечирар эканман, Р.Тожиева ишлаб, шикоятчи таъкидлаганидек, отнинг калласидек ойлик олмаётганига амин бўлдим.

Кадрлар бўлими бошлиғи ҳузуридан чиқар эканман, Зулхумор опага сўнги қисмнинг саволни бердим:

— Бекиммат Ҳузалиевни ишга тиклашнинг иложи борми?

— Йўқ. Агар иложи бўлганда ҳам бунга рози бўлмас эдик. Чунки унга

— Мендан олдинги директор унга ўхшаган «ёзувчилар»га гинг демаган эди, — дейди Рустам опа. — Шунинг учун ҳам кўнглига келган ишни қилишган. Салкам бир тонна ип гумдон қилинганини наҳотки на ўша Б.Ҳузалиевни ёнини олган қоровуллар, на ўша вақтда цех устаси бўлган унинг ўзи билмас?! Мен бундайлар билан ишлай олмайман!..

— Бундайлар деганда кимларни назарда тутаётганингизни очикроқ айтишининг иложи борми? — деган саволимга жавобан ташқи бошқарувчи олдимга бир даста хатни сурди.

— Булар «Ҳуқуқ» газетасидан олдин бошқа турли идораларга жўнатилган шикоят ва аризаларга берилган жавоблар, — дея давом этди Рустам Юсупов сервисаволимдан энсаси қотиб. — Марҳамат, та-

ёзишдан чарчамаса, мен муваффақиятлар излашдан чарчамайман! «ёзувчилар» баъзан менга ноқонуний шарт қўйиб, агар айтганимни қилсангиз, бу машамалар тугайди дейишганди. Одам ҳам шу даражада сурбет бўладими?!

Аслида шикоятбозликнинг авж олишига Кузатов кенгашининг собиқ аъзоси ва ҳуқуқшуноси Роҳатой Ҳузалиевнинг ишдан бўшатилиши сабаб бўлган экан. Меҳнат жамоасининг таъкидлашича, Роҳатой опа илгари ишга фақат ўзи хоҳлаган пайти келиб кетар экан. Ўшанда ҳам АЖ раҳбари ўз ҳайдовчисини ҳуқуқшунос опани олиб келишга жўнатганча ишда қорасини кўрсатаркан. Р.Юсупов ташқи бошқарувчи қилиб тайинланган, корхонадаги бундай ўзбошимчалик ва тантиликка чек қўйилган.

— Р.Ҳузалиев, агар аввалги иззатимни ўрнига қўйсангиз, бу шикоятбозликни тўхтатман, — дея очик айтди, — дейди Р.Юсупов. — Мендангаса, лўттибозларга илтифот қилишга эмас, ҳақиқий меҳнат қилувчиларни тақдирлашга ўрганганман!..

...Манғитда кечган бир куним давомда хаёлимда Б.Ҳузалиевнинг тарозисига тош босиришга ўзимни мажбурлаб кўрдим. Бу «тош» югурик отнинг манглайига тақ этиб урилган-



ЎХУД «МАНГИТ ИП ЙИГИРУВ ФАБРИКАСИ»ДА АВЖ ОЛАЁТГАН ЁЗИШМАЛАР ҲАҚИДА

да бошқа иш топгунга қадар компенсация тўланиши таъкидланган.

— Тахририятга шикоят йўллган Б.Ҳузалиев, — деб тушунтиради тагин Зулхумор Маткаримова, — тайёрлов цехи устаси лавозимида ишлар эди. Ўзи иддао қилиб таъкидлаганидек, катта уста эмас. Ўша пайти нафақат у эгаллаб турган лавозим, балки цехнинг ўзи ҳам қисқартирилган. Ҳозир тайёрлов цехидаги вазифани бошқа цех ишчилари бажараяпти.

— Хат муаллифи: «Баъзи мутахассислар бирданига икки-уч иш ўринларида ишлаб ойлик олаётгани сир эмас. Масалан, ҳозирги кунда таъминот бўлими иқтисодчисига Роза Тожиева компьютер оператори, режалаштириш бўлими иқтисодчисига вазифаларида ишлаб маош олмакда», — деб ёзади. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Бу тухумат. Бунинг учун уни судга бериш керак, — дея тутуққанча З.Маткаримова Бош ҳисобчидан иш ҳақиқа тааллуқли ҳужжатларни келтириб, олдинизга қўйди. — Роза Тожиева меҳнаткаш, билимдон, оқила аёл. Компьютерни аъло даражада тушунади. Манғитда бу соҳада у билан беллашадиганлар бўлмас керак. Шунинг учун ҳам баъзан зарур ҳужжатларни

ўхшаган фақат ўз манфаатини кўзловчи шахсларнинг айби билан дарёдай оқиб турган улкан корхона ночор аҳволга тушиб қолди...

З.Маткаримованинг бу қатъий фикрига изоҳ сўраганимизда Олимбой Аҳмедов кўйидагиларни таъкидлади:

— 2002 йил ёзда ишчиларга мажбурий таътил берилганида фабрикада катта ўғирлик содир қилинган. 972 кг. қалава ип аждаҳо ютгандек йўқолди-кетди. Бундай талон-тарожнинг содир этилишига озми-кўпми айбдор бўлган кимсаларнинг барчаси ишдан бўшатилади ёхуд штат қисқартириш рўйхатида туши...

Сафаримиз яқунлаб қолганда ниҳоят ташқи бошқарувчи Р.Юсупов келиб қолди. У киши ўзи ўринбосарининг юқоридаги сўзларига уйқаш фикрларни билдирди:

— Ўша ўғирликда айнан Б.Ҳузалиевнинг қўли бор демоқчимисиз? — дея савол бердим унга.

— Албатта, ҳар бир фўқаро суд ҳукми билан айбдор ёки жиноятчи саналади. Лекин фабрикада тартибсизлик, талон-тарожнинг авж олишида ана ўша Б.Ҳузалиевнинг ҳам ҳиссаси катта, — деди қизишиб Р.Юсупов.

— Масалан?

нинг, кимларни назарда тутаётганимни билгингиз келса...

Хатларни бир-бир вақтларда Б.Ҳузалиев ва «Манғит ип йигирув фабрикаси» АЖнинг собиқ кузатов кенгаши аъзоси ҳамда ҳуқуқшуноси бўлиб ишлаган Роҳатой Ҳузалиевнинг ҳар хил идораларга ёзган шикоятларининг нусхалари. Ўзбекистон давлат мулк қўмитаси, Ўзбекистон энгилсаноат акционерлик компанияси, Қорақалпоғистон энгилсаноат корхоналари директорлар кенгаши, Амударё туман прокуратурасидан берилган жавобларнинг мазмуни бир хил. Жумладан, хат юзасидан ўтказилган текширувлар чоғида келтирилган фактлар тасдиқлангани ва АЖда қонунбузарлик ҳолатлари содир этилмаётгани аниқлангани хатларда тушунтирилади. Жавоблар охирида эса Рустам Юсупов ташқи бошқарувчи этиб тайинланганидан сўнг АЖда ижобий ўзгаришлар юз бераётгани, 2002 йил 8.200.000 сўм фойда билан қилинган, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар миқдори кескин камайиб бораётгани ҳам эслатиб ўтилган.

— Мен хитойлик ва швейцариялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда замонавий қўшма цехлар очиб, рамақижон корхонани оёққа тургимзоқчиман, — дейди Р.Юсупов мени адовати бор кишидай қабулхонада кузатиб қоларкан. — Шикоятчилар

дек «Манғит ип йигирув фабрикаси» акционерлик жамиятини ривожлантирмаган дея ёниб-кўйиб юрган кишиларга оғир ботишини ўйлаб, Б.Ҳузалиев билан учрашганимда охириқабат кўнглимдаги бор гапни унга айтгим келди:

«...Бир марта тош отишган жойда ош ейман деб ўйласангиз, хато қиласиз. Яхшиси, хонадоним обод бўлсин десангиз, бошқа кулайроқ юмуш билан шуғуллангиз. Фақат шикоятбозлик билан эмас...»

У бу масалахатимни қандай қабул қилади, буниси менга қоронғу...

ХУЛОСА

Менимча, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятга ҳалақат қилмаслик учун иқтисодий тафтишлар қатори бошқа тур текширувларни ҳам чеклаб қўйган маъмуликман?! Жумладан, журналистик текширувни ҳам. Йилнинг ўтган тўрт ойи ичида ўндан ортиқ ташкilotларга шикоят ёзилса, ҳар бир текширув учун фабрика раҳбарининг камида икки кун вақти кетса, бунақада тараққиётдан умид қилиш қийин.

Агар бир раҳбар устидан уч бора шикоят ёзилиб, уларнинг текширув хулосалари бир хил бўлса, кейинги текширувларга рухсат берилмаса, аини муддао бўлур эди.

Эрпўлат БАҲТ,
журналист

БИР ЧЕМОДАН ОЛТИН

«Итар-ТАСС» ахборот агентлигининг хабар беришича, Россиянинг «Домодедово» аэропортида боқхоначиларнинг жума куни ўтказган текширувида бир чемодан олтин қўлга олинган. Россиядан Исроилга олиб чиқиб кетилаётган тилла буюмлар исроиллик фуқарога тегишли бўлиб, у 1200 дан ортиқ заргарлик буюмларини декларацияда кўрсатмаган. Унга нисбатан контрабанда юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, буюмлар экспертизага жўнатилган. Чемодандаги топилманинг нархи 877 миң рубль атрофида баҳоланмоқда.



ҚОТИЛЛИККА ОИД ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

1998 йил ноябрь ойида Санкт-Петербургда, ўз унингнинг подъездида ўлдириб кетилган Россия давлат думаси депутати, «Демократик Россия» партиясининг лидери Галина Старовойтова иши юзасидан янги маълумотлар эълон қилинди. Г. Старовойтованинг синглиси Ольганинг «Эхо Москвы» радиостанциясига берган интервьюсида айтилишича, қотилликнинг буюртмачиси давлат думасининг собиқ депутати, ЛДПР фракцияси аъзоси бўлган. Ҳозир номи эълон қилинмаётган собиқ депутат Европа давлатларидан бирида истикомат қилади. Ольга бу маълумотлар қотилликка алоқадорликда гумон қилинган шахсларни сўроқ қилиш натижасида аниқланган деди.

«САРС» ҚУРБОНЛАРИ

Хитой соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига қараганда, сўнгги кунларда номаълум пневмониядан яна етти киши вафот этган. Улардан 4 нафари пекинликлар. Бугунги кунда Хитойда мазкур касалликка дучор бўлганлар сони 282 тага етди. Лекин беморларнинг сони бундан кўп бўлиши мумкин. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабар беришича, пекинлик врачлар номаълум пневмония юзасидан аниқ диагноз қўйишга қийиналмоқдалар. Шу сабабли касалликнинг Хитойдаги қўлами ҳақида аниқ маълумот бериш мушкул.

НУҚУҚ

YURIDIK GAZETA

Ta' sischilar:
O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahridin Valiyev,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot
qo'ltimasida №00150 raqam
bilan ro'yatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar:
133-82-34
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'ylovma
va suratlar egalariга
qaytarilmaydi.

Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida ofset usulida A-3
formatda chop etildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma Г - 332
Nusxasi — 15677
Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir:
J.SHAROFBOYEV
Musahhib:F.MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 18.30

РАҲБАРДАН СОВҒА

Авиа ва овоз ёзиш компанияларини ҳамда бир нечта бошқа корхоналарни ўз ичига олган Virgin компаниясининг раҳбари Ричард Бренсон ходимларини рағбатлантириш мақсадида Австралияда жойлашган кичик оролин сотиб олди. Бу ҳақда Avapova.com интернет сайти эълон қилди. Миллиардер Ричард икки миллион фунт-стерлингда харид қилинган 25 гектарли Макереасе оролини компания ходимларига совға қилиш вақтида уларга чин юракдан миннатдорчилик изҳор этмоқчи.

ҲАРБИЙ ХАРИД

Малайзияга сотилиши кутилаётган 18 та Су-30 МКМ русумли қирувчи самолётлар бўйича шартнома яқин кунларда Куала-Лумпурда расмийлаштирилади. Бу ҳақда Россия Мудофаа вазир Сергей Иванов Малайзия пойтахтида бўлиб ўтган матбуот анжуманида хабар берди. Жами 900 млн. АҚШ долларига баҳоланган замонавий Су-30 МКМ қирувчилари Малайзияга яқин беш йил ичида етказиб берилади. «Бу биз учун муҳим шартнома. Сабаби, биз ушбу ҳамкорлик орқали бозордаги ўрнимизни мустаҳкамламоқдамиз. Узоқ муддатга тузилган шартнома Россия билан Малайзия ўртасидаги ҳарбий-техник ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлайди», — деди Сергей Иванов.

«АЛ-ҚОИДА» МАРОКАШДА

Жума куни кечқурун Марокаш вақти билан 21:30 ларда Касабланка шаҳри яқинида юз берган портлашлар 39 кишининг ҳалок бўлишига, яна ўнлаб кишиларнинг оғир жароҳат олишига сабаб бўлди. Портлашни содир этганлар ҳали қўлга олингани йўқ. Лекин ҳибсга олинган гумондорлар бор. Марокаш давлат раҳбарларининг айтишларича, ушбу кўпуровчилик «Ал-Қоида»га хос усулда содир этилган. Мамлакат Ички ишлар вазирлиги Мустафо Сахелнинг хабар беришича, портловчи воситалар ўрнатилган юк машиналари Бельгия консулхонаси, испан ресторани, яхудиёлар мазори ва яхудиёлар уюшмаси олдиларида портлаган. «Сафир» меҳмонхонасида эса белига портловчи модда боғланган камикадзе ўзини портлатиб юборган.

Тахминларга қараганда, кўпуровчилик ҳаракатлари яхшилаб режалаштирилган. Сабаби, 16 майда Марокаш хавфсизлик кучлари ташкил толган кун нишонланган эди. Шунинг учун хавфсизлик хизмати ходимларининг кўпчилиги қисқа муддатли таътилда эдилар. Террорчилар бундан фойдаланишни мақсад қилганлар.

Мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб қилиш, катта салоҳиятга эга йирик корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатиш иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолди. Шунинг учун чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон юридик шахслари билан ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилганлиги бежиз эмас.

JARAYON

Ўзбекистондаги чет эл юридик шахсларининг ҳуқуқий ҳолати мамлакатимиз қонунлари ва бошқа давлатлар билан тузган шартномалари билан белгиланган. Фуқаролик кодексининг 2-моддасига мувофиқ, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳолатдан чет эллик фуқаролар, юридик шахслар иштирокидаги муносабатларда ҳам қўлланилади.

Демак, Ўзбекистонда чет эл юридик шахсларининг фаолият юритиши ўзига хос хусусиятларга эгадир. Жумладан, Ўзбекистон қонунлариға мувофиқ, чет эл юридик шахслари мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадирлар. Уларнинг бу ҳуқуқи «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси билан кафолатланган. 12-моддаға мувофиқ эса Ўзбекистон ҳудудида мамлакатимиз қонунлариға мувофиқ чет эл инвестицияси иштиро-



кидаги корхоналар, Ўзбекистон ва хорижий давлатлар юридик шахслари ҳамда фуқаролари иштирокида халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар тузилиши ҳам мумкин. Хорижий фирмалар, банклар, халқаро ташкилотлар ҳамда ўзга юридик шахслар Ўзбекистоннинг юридик шахслари Ўзбекистоннинг ерости бойликларидан фойдаланиши мумкин. Бу мамлакатимизнинг «Ерости бойликлари тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасида белгилаб қўйилган. Чет эл юридик шахсларининг реклама тайёрлаш ва уни тарқатиш борасидаги фаолиятни мамлакатимизнинг «Реклама тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. «Сўғурта тўғрисида»ги қонунининг

3-моддаси 3-қисмиға биноан чет эл юридик шахслари Ўзбекистон юридик шахслари билан тенг сўғурталаниш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Чет эл корхона ва ташкилотлари Ўзбекистон судларига мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳўжалик судларида чет эл юридик шахслари Ўзбекистон юридик шахслари билан тенг равишда процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Масалан, Ўзбекистон ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасидаги савдо битимининг 4-моддасига биноан мамлакатлардан ҳар бирининг юридик шахслари ва фуқаролари иккинчи мамлакат ҳудудида тижорат фаолиятини амалга ошириш чоғида ўз шахси, мол-мулки муҳофаза қилинишиға нисбатан энг кўп қулайлик тартибидан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун ҳужжатлариға кўра, чет эллик инвесторлар учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланади. Бу эса хорижий давлатлар билан кенг ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, энг асосийси, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришға хизмат қилади.

Ш.НИФМОНОВ,
ТДЮИ магистранти

